



**OLIY VA O'RTA MAXSUS TALIM VAZIRLIGI
QO'QON DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**

**ZAMONAVIY FAN VA TA'LIM-TARBIYA:
MUAMMO VA YECHIMLAR**

**RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY
ANJUMAN MATERIALLARI
TO'PLAMI**

2022-yil

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА ТАРИХИ

С.К.Джумабаева-Чирчиқ ДПУ, ўқитувчи

Аннотация: Мақолада иқтисодий ва ижтимоий географиянинг назарий жиҳатлари ва тарихи ёритиган, иқтисодий география фани ва таълими ривожланишига ҳисса қўшган олимларнинг илмий изланишлари ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Иқтисодий география, социал география, сиёсий ва рекреация географияси, инсон географияси, таълим, интеграция, география тарихи.

Мустақиллик даврида иқтисодий ва ижтимоий география янги сиёсий ва иқтисодий шароитда ривожланиб келмоқда. Энг аввало таъкидлаш лозимки, мазкур фаннинг асосий ғоя ва тушунчалари: ҳудудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий районлаштириш, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва бошқалар илмий аҳамиятини ҳозир ҳам сақлаб қолган.

Иқтисодий география фанининг бу даврдаги ривожланиши мамлакатимизнинг сиёсий мустақилликка эришуви ва унинг иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтиши билан белгиланади. Шунингдек, бу фаннинг янги вазифалари ҳам вужудга келди. Улар жумласига Ўзбекистоннинг ёқилғи энергетика, дон, йўл (транспорт) мустақиллигига эришиш, қишлоқ жойларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни давлат томонидан тартибга солиб бориш, хўжалик тармоқларини диверсификация ва модернизация қилиш, минтақавий иқтисодиёт ва минтақавий сиёsat, иқтисодий географиянинг экологик муаммолари ва бошқа долзарб масалаларни ўрганиш киради.

Республика олимлари иқтисодий географияда сиёсий, ижтимоий, тарихий, экологик йўналишларни янада ривожлантиришга жиддий аҳамият бермоқдалар. Буларнинг натижасида ноанъанавий мавзулар, чунончи, аҳолига хизмат кўрсатиш, фан ва илмий тадқиқотлар, тиббиёт географияси бўйича диссертациялар муаффақиятли ёқланди, жиноятчилик, рекреация ва туризм географияси бўйича ҳам илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Иқтисодий географик тадқиқотлар Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент иқтисодиёт университети, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Нукус, Термиз университетларида, Тошкент молия институтида олиб борилмоқда. Ушбу фаннинг ривожланишида Ўзбекистон Республикаси География жамиятининг хизмати ҳам бекиёсdir. Айни вақтда мамлакатимизнинг етук олимлари, илмий мактаб ва марказлари хорижий давлатлар (Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Ураина, Қозогистон, Туркманистон, Қирғизистон республикалари) билан ҳам алоқада тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Шу билан бирга, иқтисодий география фани олдида турган вазифалар ҳам кўп. Улар, энг аввало, мазкур фаннинг янги шароитда назарий масалаларини ўрганиш, унинг обрў ва нуфузини кўтариш, мамлакатимиз

ижтимоий-иктисодий ривожланишининг ҳудудий томонларини чукур тадқиқ қилиш ва бу борада илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, умумтаълим ва олий ўқув юртларига, коллеж ва академик лицейларга ўқитувчиларни, уларга замонавий ўқув қўлланма ва дарсликларни тайёрлаш, замонавий ўқиқтиш тизими ва методикаларини ишлаб чиқишидан иборат.

Шундай қилиб, иктиносидий географиянинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши жамият тараққиётининг ҳудудий томонларига боғлиқ бўлган ўзгаришлар билан белгиланди. Мавжуд илмий манбаларни ўрганиши шуни кўрсатадики, иктиносидий географиянинг шаклланишида, унинг тарихий заминида З йўналиш ёки омил асосий сабаб бўлган. Бу ҳам бўлса, энг аввало, камерал статистика, штандорт назарияси ва табиий география.

Ушбу йўналишлар кўпроқ Ғарбий Европа ва Россияда пайдо бўлди. Масалан, Россияда камерал статистика ёки “сиёсий арифметика”, давлатшунослик, давлатнинг бойлиги - ери, маблағи ва ахолисини ҳисобкитоб қилиш, уни бошқариш, солиқ ва аскар тўплаш каби масалалар билан шуғулланган ҳолда (статист, яъни давлат ходими, чиновник маъносини ҳам англатади) В.Н.Татишев, ота-ӯғил П.П. ва В.П.Семенов-Тяншанскийлар фаолияти билан боғлиқ бўлди. Ўша пайтларда статистика ўз қамровига этнография ва ҳарбий география масалалари ҳамда савдо-сотик ишлари билан шуғулланувчи тижорат географиясига доир муаммоларни ҳам олган. В.Н.Татишев (1686-1750 йй.) география фанини "сифат" жиҳатидан З га бўлган: математик география (яъни ҳозирги геодезия ва картография), табиий ва сиёсий география. Иктиносидий география масалалари сиёсий география доирасига киритилган эди. Айни пайтда Буюк географик кашфиётлар натижасида, кейинчалик мустамлака ёки қарам (колония) мамлакатларининг пайдо бўлиши, денгиз-сув нақлиётининг ривожланиши ва бошқа омиллар давлатлараро савдо-сотик ишларини олиб боришига, тижорат географиясининг вужудга келишига сабабчи бўлди. Шубҳасизки, бу йўналиш даставвал энг кўп мустамлака мамлакатларига, қулай транспорт-географик мавқега ва юксак денгиз кемачилигига эга бўлган Англияда ривожлана бошлади.

Сиёсий ва ҳарбий география Россияда XIX аср ўртасида кенг тарқала бошлади. Шуни айтиш керакки, “сиёсий география” ҳамда “ҳарбий география” тушунчаларини ҳам биринчи марта М.В.Ломоносов (1711-1765 йй.) қўллаган. Бу йўналишлар ўз обьекти ва моҳиятига кўра бир-бирларига жуда яқин, турдош бўлиб, улар алоқадорликда ривожланиб келган. Россиядаги Улуғ Ватан (1812 й.) ва Крим урушлари, бошқа сиёсий воқеалар, Европа мамлакатларидаги инқилобий ўзгаришлар, янги давлатларининг шаклланиши ва янги ишлаб чиқариш муносабатларининг вужудга келиши сиёсий ва ҳарбий географиянинг пайдо бўлишига замин ясади. XIX-асрнинг биринчи ярмида рус ҳарбийси профессор П.А.Язиков икки қисмдан иборат “Ҳарбий географиянинг назарий тажрибаси” мавзууда аср яратган бўлса, шу

асрнинг ўрталариға келиб Ҳарбий Академия бош штаби қошида профессор Д.А.Милютин (1816-1912 йй.) ҳарбий география кафедрасини ташкил этди.

Иқтисодий географияни ёки унга асос бўлган фан йўналишларининг шаклланишида бошқа олимларнинг хизмати ҳам сезиларли бўлган. Чунончи, немис олими географ ва социолог Фридрих фон Ратцел ўзининг Антропогеографиясини яратган, сиёсий география ва геосиёсатга мансуб ишлар олиб борган бўлса, ундан кейинроқ француз Пол Видал де ла Блаш "Инсон географияси"нинг асосчиси бўлган. Унинг бу илмий мактабини Ратцел антропогеографиясидан фарқи шундан иборатки, у сиёсий масалаларни чиқариб ташлаган ҳолда кўпроқ инсон ва унинг фаолиятини атроф географик муҳитга мослашуви, мувофиқлашувига (посибилизмга) эътибор берган ва табиий географик омиллар, энг аввало, иқлим шароитларининг жамият ривожланишидаги ролини бироз "юмшатган".

Шунингдек, иқтисодий географияга тегишли илмий муаммолар бошқа давлат олимлари ва турли миллий мактаблар томонидан ҳам ўз ечимини топган. Бу борада швед, инглиз, америка ва бошқа олимлар ишларини кўрсатиш ўринли. Масалан, инглиз Г.Г.Чизхольмнинг ўтган аср охирларида ёзган тижорат географияси, ундан кейинроқ яшаган нидерланд Х.Бос, швейцариялик Г.Бёшнинг жаҳон хўжалик географияси, американлик олимлар Иқтисодий география фанининг тарихий ривожланиши энг аввало шу фанни ўқитиши тизимини қай даражада ташкил этилганлиги билан боғлиқ. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, мамлакатимизда қўпчилик фанларни, масалан биология, математика, физика, ўзбек тили ва адабиёти каби фанларни ўқитиши бўйича йирик илмий мактаблар шаклланган. Бироқ, бугунги кунда география фанини ўқитиши муаммолари билан саноқли олимлар шуғулланмоқда. Шу боисдан, ушбу фаннинг ривожланиши бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар билан параллел равишда мазкур фанни ўқитиши масалалари бўйича ҳам тадқиқотларни амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифалари сирасига киради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Баранский Н.Н. Методика преподавания экономической географии. - М.: Просвещение, 1990. -303 с.
2. Даринский А.В. Новые подходы к преподаванию экономических и социальной географии России в условиях перехода к рыночной экономике. // География в школе. 2000. - № 1. - С. 48-52.
3. Жучкевич В.А. О методах преподавания географии в школе. Минск: Народна освита, 1967. - 144 с.
4. Максаковский В.П. Современные и перспективные проблемы школьной географии. // География в школе. 1996. - № 4, С. 35 - 40.
5. Солиев А. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёт. Тошкент, 2013. -180 б.

		o‘quv ijodiy faoliyatini takomillashtirishda foydalanish	
6-SHO‘BA. GEOGRAFIYA FANLARI			
141	M.S.Meliyev, G‘.H.Berdiyev, Qo‘qon DPI	Maktab o‘quvchilarida tabiatga ekologik-estetik tuyg‘uni shakllantirish	456
142	Х.М.Байқабилов, Н.М.Сурқулов, Шахрисабз ДПИ	Жануби-шарқий Осиё пойтахт шаҳарлари номланишининг тарихий - географик жиҳатлари	459
143	I.X.Janqabilov, dotsent, geografiya fanlari nomzodi. Shahrisabz DPI, S.I.Abdullayev, dotsent, geografiya fanlari nomzodi. Qarshi DU	Tabiat komplekslari va ularni mакtab geografiya kursida o‘rganish	465
144	А.А.Олимова, Чирчиқ ДПУ	Географик майдончалар воситасида амалий ишларини ташкил этиш методикаси	468
145	С.К.Джумабаева, Чирчиқ ДПУ	Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг назарий жиҳатлари ва тарихи	474
146	М.М.Аҳмедова, Ў.А.Абдуқодирова, Қўқон ДПИ	Биология фанларини ўқитишида замонавий ёндашув тамоиллари	477
147	E.Qobilova, Qo‘qon DPI	O‘zbek xalq musiqa san’ati va an’analarini o‘rgatish orqali o‘quvchilarda milliy g’urur va iftixor tuygusini shakllantirishda musiqa madaniyati fani o‘qituvchisining o‘rni	479
148	I.E.Ro‘zmatov, Qo‘qon DPI	Yosh yengil atletikachilar trenirovkasining ko‘p yillik mashg’ulot jarayonini rejasini tuzishga oid ko‘rsatmalar	483
149	Аскаров Ауезбек, студент 2 курса кафедры русской литературы и методики обучения, ЧГПУ	«Власти денег» в русской литературе XIX века	486
150	Абдусаидова Дилсора Адхамжановна, студентка 4 курса	Роман «Отцы и дети» в современном литературоведении	490